

## ИЛМИЙ ҲАЁТ

### ЎЗБЕК ТИЛИГА ТАРЖИМА

#### ХОРИЖИЙ ТИЛНИ БИЛИШНИНГ УМУМЕВРОПА КОМПЕТЕНЦИЯСИ: ЎРГАНИШ, ЎРГАТИШ, БАҲОЛАШ



#### 6-БОБ: ТИЛ ЎРГАНИШ ВА ЎҚИТИШ

**6.4.7** Лингвистик компетенцияни ривожлантириш ўқув дастурининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади ва у ўз ичига сўз бойлиги, грамматика, талаффуз ва орфографияни олади. Ўқувчиларнинг лингвистик компетенциясини ривожлантириш турли йўллар билан амалга оширилади.

##### 6.4.7.1 Сўз бойлигини ривожлантириш усуллари:

а) аутентик оғзаки ва ёзма матнларда учрайдиган сўз ва ъарқарор сўз бирикмаларини излаш;

б) ўқувчининг хоҳишига қараб сўзларни танлаш, луғатдан сўзларни излаш, маълум бир машқларни бажариш;

в) сўз ва ибораларни контекстга киритиш (масалан, ўқув дастурлари матнларига), ҳамда келгусида турли машқлар ёрдамида уларни машқ қилиш;

г) сўзларни видеоқатор билан бирга келиши (тасвирлар, матнлар ва имо-ишора, ҳаракатлар ва бошқалар);

д) сўзларни уларнинг она тилидаги эквивалентлари билан боғлиқликда эслаб қолиш;

е) семантик майдонларни ўрганиш ва “эслаб қолиш карталари”ни яратиш;

ж) бир тилли ва икки тилли луғатлардан, тезауруслардан ва бошқа маълумотнома материалларидан фойдаланиш;

з) сўзларнинг лексик характеристикаларини тушунтириш ва ўрганиш (масалан, сўз ясаш, сўз қўшиш, сўзларнинг ўзаро боғлана олиши, инглиз тилида жумлавий феъллар, идиомалар ва бошқалар);

и) она тили ва ўрганилаётган тилдаги сўзларнинг дистрибутив ва семантик характеристикаларини тизимли равишда ўрганиш.

*Лексик бирликларни ўрганиши учун қўлланилаётган услубларни таҳлил қилиши тавсия этилади.*

Сўз бойлиги, унинг таркиби ва ундан фойдаланишни назорат қилиш тилни ўрганиш ва ўқувчининг тил бўйича тайёргарлигини баҳолашнинг асосий параметрлари, ҳамда ўқув дастурини режалаштириш учун асос ҳисобланади.

*Куйидаги саволларни ўйлаб кўриши ва уларга жавоб қайтариши тавсия этилади:*

- ўқувчи қандай ҳажмдаги сўз бойлигига (сўз ва жумлалар миқдорига) эга бўлиши керак?
- ўқувчи қандай таркибдаги сўз бойлигига (мавзулар, қисмлар бўйича) эга бўлиши керак?
- ўқувчи сўз бойлигидан фойдаланишни назорат қилишининг қандай дарадасини эгаллаган бўлиши керак?
- билиши ва тушунни учун сўзларни ёдлаш билан пассив ва фаол сўз бойлигини шакллантириши учун сўзларни ўрганиши ўртасида қандай фарқ мавжуд, умуман ана шундай чегара ўтказилганми?
- тилга оид идрокни ривожлантирувчи услублардан фойдаланиладими?

**6.4.7.3** Лексикани танлаш принциплари: қуйидаги муҳим сўз ва сўз бирикмалари танланади:

- ўқувчиларнинг мулоқот эхтиёjlари билан боғлиқ бўлган маълум мавзуга оид;
- ўрганилаётган тил вакилларини ажратиб турувчи маданий ўзига хосликни, қадриятлар ва маслакларни акс эттирувчи;
- умуммий луғатдан ёки маҳсус мавзуга оид тез-тез ишлатиладиган сўзлар танлаб олинади;
- аутентик оғзаки ва ёзма матнлар танлаб олиниб, уларда учрайдиган барча сўзлар ўрганилади;
- сўз бойлигини ривожлантириш маҳсус режалаштирилмайди, ўқувчиларнинг мулоқот фаолиятидаги иштироқи орқали унинг табиий ривожланиши назарда тутилади.

*Куйидаги саволларни ўйлаб кўриши ва уларга жавоб қайтариши тавсия этилади:*

- Сизнинг таълим контекстингизда лексикани танлашнинг қандай принципларига амал қилинади?

#### **6.4.7.4 Грамматик компетенция**

Маълум бир фикрни баён этиш учун гаплар тузা олиш коммуникация компетенциясининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади, шу боис ўқув дастурини режалаштириш ва амалга оширишда грамматик компетенцияларга алоҳида эътибор қаратилади. Грамматик компетенцияни ривожлантириш ўз ичига қисқа оддий гаплардан бошлиб мураккаб кенг тарқалган гапларга қадар

янги материални танлаш, тартиблаштириш ва доимий равишда баён этишни ўз ичига олади.

#### **6.4.7.5 Мураккаблик эътиборга олиниши керак бўлган ягона параметр эмас.**

1. Грамматик категорияларнинг коммуникация функциясини (улар умумий тушунчаларни акс эттириши қолиятига эгалиги) эътиборга олиш керак. Масалан, ўқишнинг учинчи йилида ўқувчилар ўзларининг аввалги тажрибалари ҳақида чет тилида гапириб бера олишмаса, ўқув дастурини самарали деб ҳисоблаш мумкинми?

2. Она ва чет тилининг грамматик ҳодисаларини солишириб ўрганиш катта аҳамиятга эга. Масалан, немис тилидаги эргаш гапдаги сўзларнинг жойлашув тартиби голландияликлар учун инглиз ёки французларга қараганда камроқ қийинчилик туғдиради. Шу билан бирга, қондош тилларда сўзлашувчилар (масалан: немис/голланд, чех/словак) сўзма сўз таржиам қилишга мойил бўлишади.

3. Аутентик оғзаки ва ёзма мантлар билан ишлашда, хатто улар грамматик мураккаблигига қараб танлаб олинган бўлсада, ўқувчилар таълимнинг мазкур босқичи учун базавий ҳисобланмаган янги тузилма ва категориялага дуч келишлари мумкин.

4. Чет тилини ўрганишни режалаштиришда она тилининг грамматикасини ўзлаштиришнинг “табиий тартиби”ни иnobтага олиш мумкин.

Гаплар одатда грамматик баён соҳасига тааллуқли деб ҳисобланади. Аммо гаплар ўртасидаги айрим муносабатлар (масалан, анафора: феъл ўрнига олмош ёки сўзларни ишлатиш) прагматик компетенция эмас, балки лингвистик компетенция сифатида қаралиши мумкин (масалан, we didn't expect John to fail. However he did).

*Куйидаги саволларни ўйлаб кўриш ва уларга жавоб қайтарши тавсия этилади:*

- Грамматик элементлар, категориилар, тузилмалар, жараёнлар, муносабатлар қандай принципга асосан танланади ва таснифланади?
- уларнинг маъноси ўқувчиларга қандай усуслар ёрдамида тушунтирилади?
- тилларни ўқитиши ва ўрганишда солиширма грамматика қандай рол ўйнайди?
  - гап тузиши кўникласини баҳолашда тузилмалар хилма хиллигига, уларнинг равонлиги ва тўғри қўлланилишига қандай аҳамият қаратилади?
  - қуйидагилар бўйича билимларнинг мажбурий даражаси қандай бўлиши керак (а) она тили грамматикаси бўйича, (б) чет тили грамматикаси бўйича, (в) икки тилнинг солиширма грамматикаси бўйича?

#### **6.4.7.7 Ўқувчиларнинг грамматик компетенциясини ривожлантириш усуллари**

а) индуктив – аутентик матнларда учрайдиган янги грамматик материал билан таништириш;

б) индуктив – маҳсус тузилган ўқув матнлари мисолида янги грамматик элементлар, категориялар, синфлар, қоидалар ва бошқаларнинг шакли, функцияси ва маъносини намойиш этиш;

в) ўқитувчининг тушунтиришлари ва машқларни бажариш асосида б) га қаранг;

г) ўқитувчининг тушунтиришлари (бунда ўрганилаётган ёки она тилида маҳсус атамалардан фойдаланилади) ва машқларни бажариш асосида ўқувчиларга шаклий парадигма, тусланиш ва турланиш шакллари жадваллари намойиш этилади;

д) ўқитувчи ёрдамида ўқувчилар томонидан янги материалнинг изоҳланиши, бу жараёнда ўқитувчи заруратга қараб тузатигшлар киритади, тушунтиришлар беради.

#### **6.4.7.8 Машқларнинг айрим турлари:**

- а) нуқталар ўрнини тўлдириш
- б) берилган модел асосида гап танлаш
- в) тўғри вариантни танлаш
- г) ўрин алмаштириш машқлари
- д) одлий гаплардан мураккаб гаплар тузиш
- е) гапларни она тилидан ўрганилаётган тилга таржима қилиш
- ж) «савол-жавоб» шаклидаги маълум бир тузилмалар билан ишлаш
- з) нутқни ривожлантириш бўйича грамматикага йўналтирилган машқлар.

*Куйидаги саволларни ўйлаб қўриш ва уларга жавоб қайтарishi тавсия этилади:*

*• Янги грамматик тузилма қандай усуллар билан таҳлил қилинади ва тақдим этилади?*

- ўқувчилар янги тузилмани қандай ўзлаштиришади?
- ўқитувчи қандай воситалар ёрдамида ўқувчиларни ўрганилаётган тил элементларининг лексик, грамматик ва прагматик маъноси билан таништириши мумкин, масалан:
  - она тилига (тилидан) таржима;
  - дефиниция, ўрганилаётган тилда гаплашиш;
  - контекстга қараб фахмлаш.

#### **6.4.7.9 Талаффуз**

- Ўқувчиларнинг талаффуз кўникмаларини ривожлантириш усуллари:
- а) аутентик оғзаки жумлалар билан оддий танишув
  - б) бутун синф билан такрорлаш: і) ўқитувчининг фикрларини
  - и) тил вакилининг нутқини (аудиоёзув) іі) тил вакилининг нутқини (видеоёзув)
  - в) лингрофон синфида якка тартибда шуғулланиш
  - г) маҳсус танланган матнларни фонетик ўқиши
  - д) фонематик эшитиш қобилиятини машқ қилдириш, фонетик машқлар
  - е) матнинг транскрипцияси ва интонациявий белгиларига ургу берган ҳолда г) ва д)га қаранг:
  - ж) назарий фонетикани ўрганиш (5. 2. 1. 4 га қаранг)
  - з) товуш-ҳарф мослигини ўрганиш
  - и) санаб ўтилган усулларнинг бирикмаси

#### **6.4.7.10 Орфография**

##### *Ёзув кўникмаларини ривожлантириши усуллари:*

- а) она тилининг ёзув принципларини ўрганилаётган тилга ўтказиш
- б) аутентик ёзма матнлар билан танишув:
- I) босма
- II) машинкада ёзилган
- III) қўлёзма
- в) товуш-ҳарф мувофиқлиги, диакритик белгилар ва тиниш белгиларини ҳисобга олган ҳолда алифбони ёдлаш
- г) қўлёзма шрифтнинг миллий ўзига хосликларини инобатга олган ҳолда қўлда хат ёзиш
- д) айрим сўзларнинг ёзилишини, орфография ва пунктуация қоидаларини ёдлаб олиш
- е) диктантлар ёзиш

*Қўйидаги савонни ўйлаб кўриши ва уларга жавоб қайтариши тавсия этилади:*

- *Сиз талаффуз қилиши ва орфография кўникмаларини ривожлантиришининг қандай усулларидан фойдаланасиз?*

**6.4.8 “Ижтимоий-лингвистик компетенция” (5.2.2 га қаранг)** тушунчасини қараб чиқишида қўйидаги бир қатор саволларга жавоб бериш керак: а) ижтимоий-лингвистик компетенцияни маҳсус ривожлантириш керакми, ёки у ўқувчиларнинг ижтимоий тажрибасининг маҳсули сифатида мустақил равишда шаклланадими? б) агар керак бўлса, қандай усуллар билан?

а) ўқувчиларни муқобил ижтимоий контекстдаги аутентик нутқ намуналари билан таништириш орқали;

б) ўқувчининг ватани ва тили ўрганилаётган мамлакат ўртасидаги ижтимоий-лингвистик фарқни аниқ кўрсатиб берувчи матнларни танлаш ва тузиш йўли билан;

в) ўқувчиларнинг эътиборини ўқитиши жараёнида учрайдиган ижтимоий-лингвистик фарқларга жалб этиш, уларни тушунтириш ва мухокама қилишга қаратиш орқали;

г) ижтимоий-лингвистик характерга эга хатоларни топиш, уларни таҳлил қилиш, тушунтириш ва тўғри қўллаш юзасидан мисоллар келтириш йўли билан;

д) ижтимоий-лингвистик компонентни назарий фан сифатида қўитиши орқали.

**6.4.9 “Прагматик компетенция” (5. 2. 3 га қаранг) тушунчасини қараб чиқища қуидаги саволларга жавоб бериш зарур:**

а) ўқувчининг прагматик компетенцияси унинг она тили билан боғлиқ таълимий ва ҳаётий тажрибаси асосида ривожланади, деб ҳисоблаш керакми?

Агар прагматик компетенцияни ривожлантириш керак бўлса, қандай усуllар билан:

б) ўқувчига таклиф этилаётган матнларнинг дискурс тузилишини босқичма босқич қийинлаштириб бориш ва функционал хилма хиллигини ошириш ҳисобига?

в) она тилидан ўрганилаётган тилга таржима қилинадиган матнларни қийинлаштириш йўли билан?

г) ўқувчи олдига катта функционал хилма хиллиги билан ажralиб турадиган вазифаларни қўйиш орқали?

д) бажарилаётган амалий топшириқларни таҳлил қилиш ва тушунтириш, маҳсус атамалардан фойдаланиш орқали?

е) назарий асосларни ўқитиши ҳамда функциялар, нутқий моделлар, дискурс тузилмасини келгусида пухта ишлаш йўли билан.

*Куйидаги саволларни ўйлаб қўриши ва уларга жавоб қайтарishi тавсия этилади:*

- *Ижтимоий-лингвистик ва прагматик компетенцияларнинг ривожланишини қайда даражада аралашиш талаб этилмайдиган табиий жараён сифатида қараши мумкин?*

- *Қайд этилган компетенцияларни ривожлантиришига қандай услуг ва усуllар ёрдам бериши мумкин?*

## **6.5 Хато ва камчиликлар**

Компетенция даражасидаги ва қўллаш даражасидаги хатоларни фарқлаш керак. Уларнинг биринчиси ўқувчининг тил компетенцияси ўрганилаётган тил меъёrlарига мос келмаслигини билдиради. Қўллаш даражасида хатога йўл қўйилгандан эса ўқувчи у ёки бу сабаб билан ўз компетенциясини айнан амалга ошира олмайди.

### **6.5.1 Ўқувчининг хатолари қўйидагилардан бири сифатида қаралиши мумкин:**

- а) ўқувчи ушбу материални ёдлаб ололмаганинг исботи;
- б) ўқитиши даражасининг етарлича юқори эмаслигининг далили;
- в) муваффақиятсизликка учраш эҳтимоли бўлсада, ўқувчининг четтилида мулоқотга киришишга тайёрлигининг исботи;
- г) чет тилини ўрганиш жараёнида (компетенциялар даражасида) албатта юзага келадиган вақтинчалик ҳодиса;
- д) ҳар қандай инсон, шу жумладан тил вакилининг нутқида ҳам (қўллаш даражасида) учрайдиган муқаррар ҳодиса.

### **6.5.2 Хатоларни тўғрилашнинг эҳтимолий ЁНДОШУВлари:**

- а) ўқитувчи ҳар қандай хатони дарҳол тўғрилаши керак;
- б) бошқа ўқувчилар томонидан компетенция даражасида хатолар тўғриланиши ўқитувчи томонидан тизимли равишда рағбатлантириб борилиши керак;
- в) ўқитувчи мулоқот жараёнини тўхтатмайди, аммо компетенция даражасидаги барча хатоларни қайд этиб боради ва уларни кейинчалик тўғрилайди (шундай қилиб, нутқнинг тўғрилигининг ривожланиши унинг равонлигининг ривожланишидан ажратилади);
- г) компетенция даражасидаги хатолар нафакат тўғриланади, балки маҳсус ажратилган вақтда тахлил ва муҳокама қилинади;
- д) жузъий камчиликлар (янглишишлар) эътиборсиз қолдирилиши мумкин, аммо доимий қўпол хатоларни тузатиш шарт;
- е) факат фикрнинг мазмунини бузувчи ва мулоқотни қийинлаштирувчи жиддий ва қўпол хатоларни тўғрилаш зарур;
- ж) хатоларни вақтинчалик, оралиқ ҳодиса сифатида қараб, уларни тузатмаслик мумкин.

### **6.5.3 Ўқувчининг хатоларини кузатиш ва тахлил қилишнинг роли қандай:**

- а) ҳам алоҳида олинган ўқувчилар, ҳам гурухлар учун келгуси ўқув жараёнини режалаштиришда?
- б) курс дастурини тузиш ва ўқув материалларини ишлаб чиқиша?
- в) ўқув жараёнини баҳолашда, масалан:

- талаба томонидан вазифани бажариш жараёнида йўл қўйилган хатолар баҳонинг муҳим мезони бўла оладими?
    - агар йўқ бўлса, қандай баҳо мезонлари қўлланилади?
    - хатолар фарқланадими; агар ха бўлса, қандай мезон асосида?
    - қўйидаги хатоларга қанча эътибор қаратиласди:
- талаффуз  
ёзиш  
лексика  
морфология  
синтаксис  
сўзларни ишлатиш  
ижтимоий-маданий компонентда

*Кўйидаги саволларни ўйлаб кўриши ва уларга жавоб қайтариши тавсия этилади:*

- Ўқувчининг хатоларига қандай ёндошув ва уларни тузатишнинг қандай стратегияларини қўллайсиз?
  - хатоларнинг турига қараб (фонетик, орфографик, лексик, морфологик, синтактик, ижтимоий-маданий, ижтимоий-лингвистик, прагматик) Сизнинг ёндошувингиз ўзгарадими?

## 7-БОБ: ТИЛ ЎРГАТИШ ЖАРАЁНИДАГИ ВАЗИФАЛАР ВА УЛАРНИНГ РОЛИ

### 7.1 Вазифаларнинг таърифи

Кундалик ҳаётда инсон шахсий, ижтимоий, таълимий ва касбий характердаги кўплаб вазифаларни ҳал этишига тўғри келади. Мазкур вазифаларнинг бажарилиши мулоқотнинг бирор-бир соҳасида кутилган натижаларга эришиш учун мақсадли ҳаракаларнинг амалга оширилишини таъминлайдиган маълум бир компетенцияларни шакллантиришни назарда тутади. Вазифалар ўз характеристига кўра турли хил бўлиб, нутқий фаолиятга турли даражада таянади. Масалан, ижодий вазифалар (расм чизиш, хикоя ёзиш); касбий маҳорат талаб этадиган вазифалар (бирор нарсани таъмирлаш ёки йиғиш); бошқотирмаларни ечиш (мозаикани йиғиш, кроссвордларни ечиш); битимлар тузиш; саҳнада роль ижро этиш; муҳокамада иштирок этиш; хабар ёки маъруза билан қатнашиш; ҳаракат режасини ишлаб чиқиш; хабарни ўқиш ва унга жавоб ёзиш (электрон почта орқали) каби вазифалар бўлади. Вазифа жуда оддий ёки ўта мураккаб (нотаниш ва мураккаб аппаратни ишлатиш бўйича жадвал ва йўриқномаларни ўрганиб чиқиш) бўлиши мумкин. Вазифаларнинг бажарилиши бир неча босқичдан ёки бир

нечта майдароқ вазифалардан иборат бўлиши мумкин. Шундай қилиб, вазифаларнинг чегарасини белгилаш жуда мураккаб иш.

Коммуникация ҳамкорлар диалог олиб бораётган, нутқни яратиш ва идрок этишда, талқин этиш ва таржима қилишда ёки бир вақтнинг ўзида нутқий фаолиятнинг икки ёхуд ундан ортиқ турида қатнашаётган вазифаларнинг, масалан, расмий вакил билан сухбат ва анкета тўлдириш, маъруза ўқиши ва келгуси ҳаракат дастури юзасидан қарор қабул қилиш мақсадида уни муҳокама қилиш; бирор бир ускуна, ёки қурилмани йиғиши жараёнида ёзма йўриқномага амал қилиш; йиғилганларга ускунани йиғишида ёрдам беришни, йиғиши жараёнини таърифлаш ёки шарҳлаб беришни сўраб мурожаат қилиш; ёзма шаклда маъруза матнини тайёрлаш ва уни ўқиб бериш; меҳмонга норасмий таржимонлик қилиш ва бошқалар вазифаларнинг ажрамас қилми ҳисобланади.

Худди шу каби вазифалар кўпгина ўкув дастурлари, дарсликлар, синф ишлари ва матнларда асосий ўўрин эгаллайди. Бундай реал, якуний ёки “репетициявий” вазифаларни саралаб олиш ўкувчининг шахсий ва ижтимоий ҳаётдаги, касбий ёки таълим соҳаларидағи қизиқишиларидан келиб чиқиб амалга оширилади.

Шунингдек, ҳамкорларнинг ўзаро муносабати ва ижтимоий принципларга, ҳамда ўқувчилар воқеликдан узоклашиб вазифани бажариш учун ўзларига яқин ва осон бўлган она тилини эмас, балки чет тилини танлашига асосланган “педагогик” вазифалар ҳам мавжуд. Бундай педагогик вазифалар билвосита ўкувчининг реал ҳаёти ва эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлади. Улар коммуникатив компетенцияни ривожлантиришга йўналтирилган ва умуман ўкув жараёни, шу жумладан тил ўрганиш ҳақидаги билимларга асосланган бўлади.

Коммуникатив педагогик вазифалар (контекстдан ажратиб олинган машқлардан фарқли рвишда) ўқувчиларни сермазмун мулоқотга фаол жалб этишни назарда тутади. Бу вазифалар долзарб (расмий таълимий контекстда), мураккаб, аммо бажарса бўлади (заруратга қараб вазифаларни ўзгартириш мумкин). Улар сезиларли натижа беради (гарчи жуда тез бўлмасада). Бундай вазифалар ўз ичига “метакоммуникатив” кичик вазифаларни, бошқача айтганда, вазифани бажариш юзасидан мулоқот ва уни бажариш жараёнида қўлланиладиган тилни олади. Бундан ташқари, ўқувчи вазифани танлашда, уни бажариш ва баҳолашда иштирок этади, бу эса тил ўрганиш жараёнида қўйилган вазифаларнинг ажралмас қисмига айланниб кетади.

Реал ҳаётни акс эттирувчи ёки соф педагогик ўкув вазифалари коммуникатив ҳисобланади, чунки ўқувчилдар коммуникация мақсадига

эришиш учун вазифани тушунишлари, уни бажаришни муҳокама этишлари ва ўз тушунчаларини баён этишлари керак.

Вазифаларда асосий эътибор уларни сифатли бажаришга қаратилади, шу боис ўқувчилар ўз коммуникатив интилишларини қандай рўёбга чиқараётганликлари диққат марказида бўлади. Аммо, агар вазифа тилни ўрганиш ёки ўқитишга йўналтирилган бўлса, мазмун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Нутқнинг мазмуни ва шакли, равонлиги ва аниқлиги, вазифаларни танлаш ва кетма кетлиги ўртасида ҳам вазифа бажарилишини, ҳам тил ўрганишни осонлаштирувчи ва такомиллаштирувчи қандайдир доимий мувозанат бўлиши лозим.

## 7.2 Вазифаларни бажариш

Вазифа бажарилишини ўқув контекстида кўриб чиқишида ўқувчининг компетенцияси, вазифани бажариш шарт ва чекловлари, ҳамда унинг ҳажми (у вазифанинг мураккаблигига қараб ўзгариши мумкин), шунингдек вазифа компетенциялари ва параметрлари ўртасидаги стратегик ўзаро боғлиқлик эътиборга олиниши керак.

### 7.2.1 Компетенциялар

Ҳар қандай турдаги вазифалар бир қатор умумий компетенцияларни, масалан билим ва тажрибани, тили ўрганилаётган мамлакатга оид ижтимоий-маданий билимларни, маданиятлараро мулоқотга оид кўникумаларни, ўқиши кўникумалари ва амалий кўникумаларни фаоллаштиришни назарда тутади. Бундан ташқари вазифанинг бажарилишига инсоннинг шахсияти ва хулқатвори ҳам таъсир кўрсатади.

Вазифаларнинг самарали бажарилиши, жумладан, муаммолар қўйиладиган ва мақсадлар шакллантириладиган бошланғич босқичда ўқувчининг компетенцияларини тажрибага асоланмасдан фаоллаштириш орқали осонлашади.

Шу йўл билан вазифанинг бажарилиши осон кўриниш олади ва ўқувчи кўпроқ эътиборини кутилмаган, мазмуний ёки тилга оид муаммоларга қаратади. Натижада вазифа ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан муваффиқиятли бажарилади.

### 7.2.2 Вазифани бажариш шартлари ва чекловлари

Вазифанинг бажарилиши қўп жиҳатдан ўқувчиниг компетенциялари ва шахсий хусусиятларига, ҳамда вазифанинг шарт ва чекловларига боғлиқ бўлади. Шарт ва чекловлар эса вазифадан келиб чиқиб ўзгариб туради. Ўқитувчи ёки дарслик муаллифи таркибий элементлар сонини назорат қилиши ва вазифанинг мураккаблик даражасини белиглаши мумкин. Вазифаларда тушуниш нуқтаи назаридан бошланғич шарт барча учун бир хил, аммо якуний натижада ҳам сон (маълумот сони), ҳам сифат (бажаришнинг

маълум бир снатдарти) жиҳатидан турлича бўлиши мумкин. Матн турлича катталиқда, турли когнитив ёки ташкилий мураккабликка эга бўлиши мумкин. Вазифа ўқувчининг эхтиёжларидан келиб чиқиб, ёки бошқа бирор шартлар асосида танланиши мумкин. Матн чекланмаган миқдорда ўқилиши ёки тингланиши ёки бунгаammo чекловлар ўрнатилиши мумкин. Жавоб оддий (қўлни кўтариш) ёки мураккаб (янги матн тузиш) бўлиши мумкин. Интерактив ва маҳсулий вазифалар берилганда уларни бажариш шартлари вазифанинг мураккаблик даражасини ўзгартириш мақсадида ўзгартирилиши мумкин.

### **7.2.3 Стратегиялар**

Вазифани бажариш – ўқувчининг турли компетенциялари ва вазифанинг хусусиятлари ўртасидаги ўзаро муносабатга ббоғлиқ бўлган мураккаб жараён ҳисобланади. Вазифани бажариш учун тилни билувчи/ўқувчи ушбу вазифани бажаришда самарали деб билган умумий ва коммуникатви стратегияларни фаоллаштиради. Тил билувчи\ўқувчи ўз эхтиёжлари, имкониятлари ва ўқитиш услубидан келиб чиқиб вазифалар, мақсадлар, шартлар ва чекловларни мослаштиради, мувофиқлаштиради ва таҳrir қиласди.

Вазифани бажариш жараёнида инсон коммуникация мақсадига эришиш учун режалаштириш, назорат-таҳлил, бажариш, зарурат қараб эса, тузатиш киритиши учун зарур бўладиган компетенция қисмларини танлайди, фаоллаштиради ва мувофиқлаштиради.

### **7.3 Вазифани бажаришнинг мураккабликлари**

Битта вазифани бажаришга инсон турлича ёндошиши мумкин. Табиийки, у қўллайдиган вазифа ва стратегияларнинг мураккаблиги бир қатор ўзаро боғлиқ омиллардан келиб чиқади, булар: умумий ва коммуникация компетенциялари, индивидуал характеристикалар, вазифаларнинг шарт ва чекловлари. Шу сабабдан ҳам вазифанинг мураккаблик даражасини олдиндан айтиб бўлмайди. Мураккаблик даражасини танлашдаги мавжуд муаммоларга қарамай, синфдаги ўқитишнинг самараси вазифани ва унинг босқичлари кетма кетлигини танлашга мантиқий ва принципиал узвийлик билан ёндошишни талаб этади. Бунда ўқувчининг ўзига хос компетенциялари ва вазифанинг муракабилига таъсир кўрсатувчи омиллар, шунингдек ўқувчининг эхтиёж ва қобилиятидан келиб чиқиб вазифанинг параметрларини ўзгартириш эътиборга олиниши керак.

***Вазифанинг мураккаблик даражасини танлашда куйидагиларни эътиборга олиш керак:***

- тил билувчи/тил ўрганувчининг компетенция ва характеристикаларини, жумладан унинг ўқишдан мақсади ва услубини;
- вазифанинг бажарилишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган, ҳамда ўқувчининг компетенцияси ва характеристикаларидан келиб чиқиб айrim контекстларда таҳрир қилиниши мумкин бўлган вазифалар шартлари ва чекловлари.

### **7.3.1 Ўқувчининг компетенция ва характеристикалари**

Ўқувчиниг турлича компетенциялари унинг когнитив, ҳиссий ва лингвистик характердаги индивидуал характеристикалари билан боғлиқ бўлади. Маълум мураккаблик даражачига эга вазифаларни танлашда шу жиҳат эътиборга олиниши керак.

#### **7.3.1.1 Когнитив омиллар**

Хабардорлик: агар ўқувчи қуидагилар билан таниш бўлса, когнитив босим камаяди ва вазифани бажариш осонлашади:

- вазифа тури ва зарур операциялар;
- мавзу (мавзулар);
- матн тури (жанри);
- интерактив схемалар (сценариялар ва фреймалар), ўқувчи ғайриихтиёрий ёки “стандарт” сценарийларни билиши унга вазифанинг бошқа жиҳатларига эътибор қаратиш имконини ёки ўз нутқини тахмин қилиш ва ташкил этишда ёрдам беради;
- фонга оид зарур билимлар;
- ижтимоий-маданий билимлар, масалан, у ёки бу контекстда ўринли бўлган ижтимоий қоида ва уларнинг турларини, қоида ва меъёрларни, тил шаклларини, миллий ва маданий ўзига хосликни, ўрганилаётган ва она тили давлати маданиятлари, ҳамда халқаро компетенция ўртасидаги фарқли жиҳатларни.

Қобилиятлар: вазифанинг бажарилиши ишлай олиш қобилиятига, жумладан қуидагиларга боғлиқ бўлади:

- вазифанинг маълум бир босқичларини бажаришда зарур бўладиган ташкилий ва коммуникатив қобилиятлар;
- вазифа бажарилишини соддалаштирувчи ўқув қобилият ва стратегиялари, жумладан у вазифани қай даражада бажараётганини, агар етарлича тил воситаларига эга бўлмаса, вазифа бажарилишини режалаштириши ва назорат қилишини ҳам ўз ичига олади;
- маданиятлараро мулоқот қобилияти, жумладан тил вакилининг нутқида имплицитив акс этган маълумотни тушуна олиш қобилияти.

Ахборотни қайта ишлашдаги қийинчиликларни енгиб ўтиш қобилияти: ўқувчининг қўйидаги қобилиятларидан келиб чиқиб, вазифа содда ёки мураккаб бўлиши мумкин:

- аниқ ёки мавхум характерга эга айрим босқичлар ёки “когнитив операциялар”ни бажара олиш;
- вазифанинг мураккаблигига муносабат билдириш (“тезкор фикрлаш”) ҳамда битта вазифанинг (ёки ўзаро яқин бўлган турли вазифаларнинг) турли босқичларини бирлаштириш.

### **7.3.1.2 Ҳиссий характеристика**

Ўз ўзини баҳолаш: ўз ўзига асосланган баҳо бериш ва эркинлик аксарият ҳолларда вазифани муваффақиятли бажаришда қўл келади. Мисол тариқасида диалог вақтида ташаббус кўрсатишни (яъни, тушунтириш олиш, тўғри тушунгандигига ишонч ҳосил қилиш учун сухбатдошнинг гапини бўлиш, таваккалга бориш, ақлий хулосалар чиқариш, ўқиш ёки тинглашни давом эттириш ва бошқалар).

Киришганлик ва мотивация: агар ўқувчи жараёнга тўлиқ жалб этилган бўлса, вазифанинг муваффақиятли бажарилиш эҳтимоли ортади. Бунда ўқувчининг шахсий манфаатига асосланган ички мотивация, ҳамда мақтов ээшитиш, рақобатда олдинда бўлиш кабилардан келиб чиқадиган ташқи мотивация муҳим ўрин тутади.

Ҳолат: вазифанинг бажарилиши ўқувчининг жисмоний ва ҳиссий ҳолатига ҳам боғлиқ бўлади (диққатини бир жойга жамлаган ва тинч инсон чарчаган ва ҳаячжонга берилган одамдан кўра вазифани яхшироқ ва тезроқ бажаради).

Муносабат: янги ижтимоий-маданий ахборотни олиб кирувчи вазифани бажаришда ўқувчининг янги ва бошқача нарсаларни ўзлаштиришга тайёрлиги ва очиқлиги, она тили ва чет тили маданиятлари ўртасида воситачи бўлишга, маданиятлараро тушунмовчилик ва низоларни ҳал этишга тайёрлиги ҳам муҳим ўрин тутади.

### **7.3.1.3 Лингвистик омиллар**

Ўқувчининг лингвистик захриларининг ривожланганлик даражаси: грамматика, лексика, фонология ва орфография борасидаги билимлари – вазифанинг мураккаблигини белгилашда ва унинг параметрларини ўзгартиришда эътиборга олинадиган муҳим жиҳатлардан биридир.

Когнитив жиҳатдан осон туюлган вазифа лингвистик жиҳатдан қийинчилик туғдириши, ёки аксинча бўлиши мумкин. Шу боис вазифани танлашда бир омил бошқасидан устун қўйилиши мумкин. Таълимда ҳам мазмун, ҳам шакл билан ишлаш шарт.

Ўқувчининг ўзининг лингвистик компетенциясидаги “бўшлиқлар”ни тўлдириб кета олиши ҳам ҳар қандай фаолият турида вазифани муваффақиятли бажаришнинг муҳим омилларидан бири саналади (4.4-бўлимдаги коммуникация стратегияларига қаранг).

### **7.3.2 Вазифани бажариш шартлари**

Ўқув вазифасини бажариш шартлари ва чекловларига кирадиган, ҳамда ўзгартириб туриш мумкин бўлган бир қатор омиллар мавжуд. Ўқув вазифалари қуидагиларни ўз ичига олади:

- Нутқ интеракцияси ва яратилиши
- Идрок этиш

#### **7.3.2.1 Нутқ интеракцияси ва яратилиши**

Нутқ интеракцияси ва яратилишига таъсир кўрсатувчи шарт ва чекловлар:

- Ахборий ва тил орқали қўллаб-қувватлаш
- Вақт
- Мақсад
- Олдиндан билиш
- Физик шартлар
- Иштирокчилар
- Қўллаб-қувватлаш

Кенг маънодаги маълумотнинг мавжудлиги ва тилга оид ёрдам кўрсатилиши вазифанинг мураккаблик даражасини камайтиради.

- Контекстуализация даражаси: иштирокчилар, роллар, мазмун, мақсадлар, вазият ҳақида етарлича маълумот, ҳамда вазифани бажариш юзасидан аниқ ва мақбул кўрсатмалар бўлса, вазифа осонлашади.
- Тилга оид ёрдам ҳажми: диалог учун – тайёргарлик босқичи сифатида вазифанинг репетицияси, ўхшаш вазифанинг бажарилиши яхши ёрдам беради.
- Вақт

Вазифани бараишга тайёргарлик ва уни бажариш учун қанча кам вақт ажратилса, у шунчалик мураккаб бўлади. Вайт билан боғлиқ жиҳатлар:

- Тайёргарлик учун вақт (режалаштириш ва репетиция имконияти); бехосдан юз берадиган мулоқотда мақсадли режалаштиришнинг имкони бўлмайди, шу боис стратегияларнинг беихтиёр юқори даражада фойдаланиш зарурати туғилади. Бошқа вазиятларда ўқучви вақт жиҳатидан у қадар чекланмаган бўлади, шу боис стратегиялардан ўйлаб фойдаланиши мумкин.

- Қайта тиклаш учун вақт: бехосдан юз берадиган мулоқотда вақт камлиги ва шошилинчлик боис ўқувчи учун вазифани бажариш қийин кечади.

- гап, жумланинг давомийлиги: бехосдан юз берадиган мулоқотда гап ва жумла қанчалик узун бўлса, ўқувчига (масалан, латифани қайта айтиб бериш) шунчалик қийин бўлади.

- Вазифани бажаришнинг давомийлиги: бир хил когнитив характеристика ва тил тайёргарлигига бехосдан юз берадиган диалог, ёки катта ҳажмли оғзаки ёки ёзма матнни яратиш кичик ҳажмли вазифадан кўра мураккаброқ кечади.

- Мақсад

Мақсадга эришиш учун қанча кўп куч сарфлашга тўғри келса, вазифа шунча мураккаб ҳисобланади. Бундан ташқари, вазифани бажариш натижалари тўғрисида ўқитувчи ва ўқувчидаги бир хил тахминлар қанчалик кўп бўлса, унинг бажарилиши шунча осон кечади.

- Мақсадларнинг конвергенцияси ёки дивергенцияси: диалогда конвергент вазифа дивергент вазифага нисбатан кўпроқ “коммуникация юки”ни жамлаган бўлади, бошқача айтганда, конвергент вазифа иштирокчилар ягона келишилган натижада тўхташларини назарда тутади ва бунинг учун кенг муҳокама талаб этилади. Дивергент вазифада эса бир хил натижага келиш шарт бўлмайди.

- Ўқитувчи ва ўқувчининг мақсадга муносабати: вазифани бажаришга ўқитувчи ва ўқувчи томонидан бир нечта мақбул натижага эҳтимолини тушуниш ҳам таъсир кўрсатади.

- Олдиндан билиш

Агар вазифалар параметрида доимий ўзгаришлар бўлиб турса, мураккалблик даражаси ортади.

- Кутимаган элементнинг (воқеа-ходисанинг, вазиятнинг, ахборотнинг, иштирокчининг) интеракцияси ўқувчини янги ва нисбатан мураккаброқ вазият динамикасидан ортда қолмаслик учун зарур стратегияларни фаоллаштиришга мажбур қиласди; “динамик” матнни яратиш бўйича вазифа (бошқача айтганда, қаҳрамонлар, саҳналар, ҳаракат вақтининг ўзгариши) “статик” матн (масалан, йўқотилган ёки ўғирлаб кетилган нарсанинг таърифи) яратиш билан солиштиргандага анчайин мураккаб жараёндир.

- Физик шартлар

Шовқин вазифанинг бажарилишини мураккаблаштиради:

- Шовқинлар (фон шовқинлари ёки телефон алоқаси сифатининг ёмонлиги), масалан, иштирокчиларни хабар ёки матннаги “бўшлиқлар”ни тўлдириш учун мавжуд бўлган тажрибага, сценарийга, тахминга мурожаат этишга мажбур қиласди.

- Иштирокчилар

Мулоқот жараёнига унинг иштирокчилари билан боғлиқ бўлган бир қатор омиллар ҳам таъсир кўрсатади.

- Ҳамкорлик қилиш қобилияти: ҳамдард иштирокчи вазифани осонлаштиради, мақсадни ўзгартиришга рози бўлади, масалан, музокараларда секинроқ гапириш, такрорлаш ва изоғ бериш ҳақидаги илтимосларга ижобий жавоб қайтариб, англашни осонлаштиради.
- Суҳбатдошлар нутқининг ўзига хосликлари (паралингвистик воситалар бевосита мулоқотда бажаришни осонлаштиради).
- Суҳбатдошларнинг умумий ва коммуникация компетенцияси, хатти-ҳаракат (маълум бир жамиятда ўзини тутиш қоида ва меъёрлари билан танишлик дарражаси) ва диалог мавзусини билишни ҳам ўз ичига олади.

### **7.3.2.2 Идрок этиш**

Вазифанинг мураккаблик дарражасига қўйидаги шарт ва чекловлар таъсир кўрсатади:

- Вазифа бажарилишини қўллаб-қувватлаш
- Матн характеристикалари
- Талаб қилинаётган жавоб тури
- Вазифа бажарилишини қўллаб-қувватлаш

Қўллаб-қувватлашнинг турли шакллари вазифани бажаришда, масалан, тайёргарлик босқичи мослашиш ва билимларини фаоллаштиришга; йўриқномаларга изоҳлар тушунмғовчиликларнинг олдини олишга ёрдам беради.

• Тайёргарлик босқичи: тайёргарлик босқичида тахмин қилиш, сценарийни билиш ва ўзига хос лингвистик қийинчиликларни аниқлаш ўқувчига босимни ва вазифанинг мураккаблигини камайтиради; матннинг мазмуни бўйича саволлар устида ишлаш уни яхшироқ тушунишга ёрдам беради

• Йўриқномалар: вазифага оид мураккаб бўлмаган, мантиқий йўриқномалар (маълумот жуда кўп, ёки жуда кам бўлмаслиги керак) мақсадлар ва вазифани бажариш жараёнини тушунмай қолишнинг олдини олади.

• Кичик гуруҳларда ишлаш: айрим ўқувчилар, айниқса ўзлаштиришда орқада қолаётганлари учун кичик гуруҳда ишлаш, биргаликда матнларни ўқиш ва тинглаш вазифаларни бажаришда якка тартибда ишлашдан кўра кўпроқ самара беради.

- Матннинг характеристикалари

Матнни танлашда қўйидаги омиллар инобатга олиниши зарур: матннинг лингвистик мураккаблиги, тури, дискурснинг тузилиши, тақдим этиш усули, ҳажми ва релевантлиги.

- Лингвистик мураккаблик: матннинг синтактик мураккаблиги ўқувчининг эътиборини мазмундан чалғитади; масалан, эргаш гаплар, кўплаб инкорлар, узундан узоқ ўзаро боғланмаган жумлалар, маънонинг икки хиллиги, турокларнинг ишлатилиши.

- Матннинг тури: Матннинг жанри ва мулоқот соҳасини билиш матннинг тузилиш ва мазмунини чуқурроқ англашга ёрдам беради; матннинг аниқ ёки мавхум характерга эга эканлиги ҳам муҳим роль ўйнайди.

- Дискурснинг тузилиши: матннинг боғланганлиги ва аниқ тузилиши (масалан, вақт нуқтаи назаридан кетма кетлиқ, асосий фикрнинг ажralиб туриши), ноаниқлик ва кутилмаганликларнинг мавжуд эмаслиги матнни яхшироқ тушунишга ёрдам беради.

- Тақдим этиш усули: ёзма ва оғзаки матнлар мураккаблиги жиҳатидан бир биридан фарқ қиласди, чунки оғзаки матн маълумотни реал вақтда тушунишна назарда тутади. Бундан ташқари, шовқинлар, ташқи таъсирлар, сўзловчиларнинг кўплиги ва уларнинг гаплари ёмон эшитилаётгани, фонетик редукция, нотаниш акцент, талаффузнинг юқори тезликда экани, паст овоз, монотонлик – матннни тушунишни қийинлаштиради.

- Матннинг ҳажми: мавзу бир хил бўлганда қисқа матн узун матндан кўра осонроқ бўлади, чунки ҳажми катта матн устида ишлаш кўпроқ ақлий сарфни ва хотирага кўшимча босимни юзага келтиради, ҳамда тезда чарчаб қолишга ва диққатнинг чалғишига сабаб бўлади. Аммо маълумот кўп бўлмаган катта ҳажмли матн, маълумот кўп кичик матндан осонроқ ўзлаштирилиши мумкин.

- Релевантлик: ўқувчининг матнда шахсий қизиқиши борлиги уни тушунишда яхши рағбат бўлиши мумкин. Матнда ўқувчига таниш ва тушунарли лексиканиг мавжуд бўлиши. Шу боис маълум бир соҳа мутахассиси ўз соҳасига оид маҳсус матнни умумий мазмундаги, турлича лексикага эга матндан кўра осонроқ тушунади.

Ўз шахсий ғоялари, билим ва фикрларини баён этиш имконияти мотивация ва ўзига ишончни ошириш, шунингдек компетенцияни фаоллаштириш учун рағбат бўлиб хизмат қиласди.

- Талаб қилинадиган жавоб тури

Матн нисбатан мураккаб бўлсада, унга бағишлиланган вазифалар ўқувчининг тил бўйича тайёргарлиги ва шахсий хусусияльаридан келиб чиқиб ўзгариб туриши мумкин. Вазифанинг тури у қандай мақсадда ўқувчига берилажетганига боғлиқ бўлади. Шунга мос равишда вазифа туридан келиб чиқиб жавоб тури ҳам ўзгариб туради.

Вазифа умумий ёки танланган тушунишни (ёки матннинг мЗуҳим деталларини тушунишни) назарда тутиши мумкин. Айрим вазифалар

фақатгина матннинг умумий ғоясини тушунишни, бошқалари эса мантиқий фикрлашни талаб қиласди. Вазифанинг асосий мақсади матн асосида ахбооротни яхлит ёки унинг айрим қисмларини умумлаштириш ва шу орқали хотирага босимни камайтиришдан ибррат бўлиши мумкин. жавоб оғзаки бўлмаслиги (масалан, бирор бир расм чизишни талаб этиши) ёки оғзаки (ёзма, оғзаки) бўлиши мумкин. Оғзаки жавоб маълум бир мақсад, ёки, масалан, янги матн тузиш ёхуд эскисини кенгайтириш учун матндаги ахборотни қайта тиклашни назарда тутади.

Шунингдек вазифани бажариш учун ажратиладиган вақт ҳам ўзгариб туриши мумкин. Бунинг натижасида вазифанинг мураккаблик даражаси ортади ёки камаяди. Матнни ўқиши ёки тинглаш учун қанча кўп вақт ажратилса, ўқувчи уни тушуниш учун шунча кўп стратегиядан фойдаланиши мумкин.

*Куйидаги бандларни таҳлил қилиб, тегишли хулосалар чиқариши тавсия этилади:*

- реал ва “педагогик” вазифаларни, вазифанинг ҳар бир тури аниқ таълим вазиятига мослигини ҳам эътиборга олган ҳолда, танлаш ва баҳолаш принциплари;
- ўқувчи учун аҳамиятли бўлган, ўқувчи олдига мураккаб, аммо бажарса бўладиган мақсад қўядиган, ўқувчилар ўз имкониятларини тўлиқ намоён этишини талаб қиласди, ҳамда турли натижаларга эришишининг ҳар хил талқини ва имкониятларини назарда тутадиган вазифаларни танлаш мезонлари;
- нутқининг равонлиги ва тўғрилигига хизмат қилувчи мазмунни етказishi ва тил шаклига йўналтирилган вазифалар ўртасидаги меъёридаги нисбат;
- турли шартлар ва чекловлар билан характерланувчи мураккаб вазифаларни муваффақиятли бажариш учун ўқувчи томонидан компетенциялар ва нутқий хатти-ҳаракат нисбатида фойдаланиладиган стратегияларнинг роли (4.4 бандга қаранг); тайёргарлик босқичида олинган билимларни фаоллаштиришини ҳам ўз ичига олган ҳолда вазифаларни ва тил ўрганишини муваффақиятли бажариш йўллари;
- вазифаларни танлаш мезонлари, ва заруратга қараб, ўқувчиларнинг индивидуал характеристикалари ва турлича компетенцияларига, масалан, қобилият, мотивация, эҳтиёж, қизиқишларига мос равишда ушибу вазифаларнинг мураккаблиги даражасини ўзгартириши мақсадида уларнинг параметрларига ўзгартириши киритши;
- вазифа мураккаблигининг уни муваффақиятли бажарилишини баҳолаш ва ўз ўзини баҳолашга таъсири(9-боб).

*Давоми келгуси сонларда.*